



КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ахмаджонов Фарходжон Акрамжон ўғли

НамМТИ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8063194>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-June 2023 yil

Ma'qullandi: 18-June 2023 yil

Nashr qilindi: 21-June 2023 yil

KEY WORDS

кичик бизнес, хусусий сектор,
корпоратив молия, кичик
бизнес молияси, молияни
бошқариш, молиявий
менежмент

ABSTRACT

Мақолада кичик бизнес молиясини бошқариш тизимининг ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари корпоратив молия нуқтаи-назаридан қўриб чиқилган. Рақобатли бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини тезлаштириш ва иқтисодиётда хусусий секторни жадал ривожлантириш устуворлиги кичик бизнес молиясини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг концептуал асосларини яратишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 январь 2019 йилдаги №5614- сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепция”сида кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги тегишли ўрни ва аҳамиятини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, дастлаб кичик бизнес субъектлари фаолиятининг асосларига тўхталишни лозим деб топдик. Фикримизча, кичик бизнес субъектлари тушунчасига уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва бажарадиган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги кунда Республикамиз иқтисодиётининг барча соҳаларида кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик фаолиятлари ташкил қилинмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: - биринчидан, уларнинг ҳаракат фаолиятидаги мустақиллиги. Кичик бизнес субъектлари мустақил ва уларнинг юқори ташкилотлари мавжуд эмаслиги уларнинг эркин фаолият юритишига имкон яратади. Уларда бошқарув иерархияси мавжуд эмас, шу сабабли ҳам иқтисодий ташаббус ва тез мослашувчанлик ҳолатининг юқорилиги ҳолати кузатилади; - иккинчидан, фаолият юритишда тезкор ва ўзгарувчан қарорлар қабул қилиш имконининг мавжудлиги. Йирик корхоналарга нисбатан кичик бизнес субъектларида кутилмаган вазиятлар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ўзгартириш имкониятлари кенг ҳисобланади. Булар кўпинча савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларида мавжуд; -учинчидан, уларнинг маҳаллий шарт-шароитларига мослашувчанлиги. Кичик бизнес субъектлари маҳаллий бозор талаблари, урф-одатлари бўйича ўз бошқарув қарорларини уларга кўра мослаштира олади; -

тўртинчидан, жамоатчиликнинг кичик бизнес субъектларига бошқа корхоналарга нисбатан илиқ муносабатда бўлиши. Кичик бизнесга жамоатчилик фикри доимий равишда ижобий бўлиб келган ҳамда йирик бизнесга нисбатан кам танқидий муносабатда бўлинади, шунингдек кўп ҳолларда кенг имтиёзлар берилади; - бешинчидан, улар фаолиятида операцион харажатлар миқдори оз бўлади. Корхона фаолиятида давр харажатлари йирик корхоналарга нисбатан камроқ қилинади; - олтинчидан, узоқ муддатли манфаатларнинг мавжудлиги. Кичик бизнес субъектларига қилинган инвестицияларни келгусида (зарурият туфайли) тез ва қулай шартларда сотиш орқали қайтариб олиш мумкин; - еттинчидан, корхона фаолияти давомида персоналда бир неча мутахассисликни қўшиб олиш имкониятининг мавжудлиги. Ортиқча иш ўрни ва кераксиз харажатларни камайтириш мақсадида баъзи ишчи ходимлар бир неча ихтисослик бўйича фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўладилар; - саккизинчидан, ихтисослашган ёки умумий бозорлардаги устун томонларига эга эканлиги.

Йирик корхоналар бош идоралари томонидан ишлаб чиқилган ҳаракат режалари орқали иқтисодий ёки молиявий жиҳатдан қийин ҳолатга тушиб қоладилар. Кичик бизнес субъектлари эса бозордаги ҳатти ҳаракатларини тез ўзгартира олиши ва мослашувчанлиги имконларига эгадирлар. Бир қатор устунликларига қарамасдан кичик бизнес субъектларининг ривожланишида айрим заиф томонлари мавжуддир. Бу асосан уларнинг фаолият юритишдаги имкониятларининг кичик ёки тор даражада эканлигидан келиб чиқади. Кичик бизнес субъектларининг заиф томонларини қуйидагича ифодалаш мумкин: -биринчидан, фаолиятида капитал жамғарилиши имкониятининг пастлиги. Одатда кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун унинг эгалари катта бўлмаган миқдорда капитал кирита оладилар, холос. Улар фаолиятидаги қийинчилик асосан четдан капитал жалб қилишда ёки олишда сезилади. Бу қийинчилик аввало, кичик бизнес субъектларининг қарз имкониятларини чеклаб қўядиган мустақилликка интилишидан келиб чиқади. Бундан ташқари кичик бизнес субъектларида юқори фоиз тўловини тўлайдиган етарли даражадаги маблағнинг мавжуд эмаслиги (хусусан янги фаолиятга бошлаган бўлса) иқтисодий имкониятларнинг қисқаришига олиб келади; - иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг йирик бизнес субъектларига кўра бошқарув имкониятларининг чекланганлиги ёки пастлиги ҳисобланади. Етарли даражада бошқарув имкониятлари ва паст даражадаги капитализация имкониятлари йирик бизнес субъектларига нисбатан рақобатбардошликни пасайтиради ва иқтисодий ҳолатига салбий таъсирини ўтказади; - учинчидан, улар фаолиятини кредитлашдаги имкониятларнинг чекланганлиги. Хусусан, кредит институтлари, жумладан, тижорат банклари кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашни ҳар доим ҳам амалга оширавермайди. Ҳақиқатан ҳам, фаолиятидаги ҳар қандай 14 битим миқдори кичик, шунингдек, иқтисодий барқарорликнинг доимий эмаслиги ва кредит бўйича бир қатор хизматлар тўловини амалга ошира олмаслиги кредитлашга салбий таъсир кўрсатади; - тўртинчидан, агар кичик бизнес субъекти акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган бўлса, унинг қимматли қоғозлар бозорида ишини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар мавжуддир. Шунингдек, кичик бизнес субъекти эгасининг малакасини ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритишдаги муаммолар, юқори малакали

мутахассисларнинг ишга жалб қилишдаги, катта миқдордаги буюртмалар ва уларни бажариш борасидаги узилишлар, асосий фондлардан етарли даражада самарали фойдаланмаслик, маҳсулот экспортидаги муаммолар кичик бизнес субъектлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Кичик бизнес субъектларини ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар бўйича кесимидаги ҳолати қуйидаги жадвал маълумотларида ифодаланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлишади (Юнус, 2010). Ф.Аллен ва Д.Гейл кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг икки тизими – банклар фаолиятига асосланган тизим ва молия бозорларига асосланган тизимнинг мавжудлигини эътироф этишади ва бунда биринчи тизимнинг нисбатан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади (Аллен ва Гейл, 2000). Фикримизча, Ф.Аллен ва Д.Гейлнинг мазкур хулосаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мазкур мамлакатларда кичик бизнесни кредитлаш тизимида тижорат банклари етакчи мавқега эга; иккинчидан, кичик бизнес субъектлари учун қимматли қоғозлар бозори орқали ресурслар жалб қилиш имконияти мавжуд эмас. Шанел-Рейно ва Блуанинг (2001) хулосасига кўра, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларини яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Чунки, йирик корхоналар кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришишдан олдин уларнинг бозор талабларига жавоб бера олишини таҳлил қилади. Шунингдек, йирик корхона ҳамкори бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилади. Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуанинг мазкур илмий хулосаси тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг таҳлилига асосланган ва шу жиҳатдан ишончли ҳисобланади. Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар аниқ маълумотлар таҳлилига асосланган бўлиб, йирик бизнеснинг кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини ривожланишида муҳим роль ўйнашини асослашга хизмат қилади. Д.МакНотоннинг хулосаси АҚШ ва Ғарбий Европа амалиётига мос келади. Ҳақиқатдан ҳам, тараққий этган мамлакатларда суғурта компанияларининг репутацияси юқори бўлиб, уларнинг суғурта полиси тижорат банклари учун ишончли таъминот объекти ҳисобланади. Бунинг устига, бўлғуси ҳосилни улар томонидан суғурта қилинганлиги қурғоқчиликнинг юз бериши натижасида олинмаган ҳосил туфайли юзага келадиган кредит rischi муаммосининг чуқурлашишини олдини олади. Аммо Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларига берилган ва суғурта ҳодисаси туфайли қайтмаган кредитларни суғурта компанияларидан, шу жумладан, Агросуғурта компаниясидан ундиришда муаммолар мавжуд (Боймуратов, 1998). Фикримизча, иқтисодчи олимларнинг кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган хулосалари, таклифи ва тавсияларини республикамиз амалиётида қўллаш имкониятларини асослаб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида кичик бизнес субъектларини молиялаштириш шакллари

қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ва молиялаштириш манбалари ва олинадиган даромадларнинг реал қийматини миллий валютанинг девальвацияси таъсирида пасайишига алоҳида эътибор қаратилган. Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилган. Мақолада банклар томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитлар алоҳида гуруҳларга ажратилгани ҳолда, иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, трендли таҳлил даври 3 йилни (2014-2016 йй.) қамраб олганлиги сабабли кичик бизнес субъектларини банклар томонидан кредитлаш тенденциясини аниқлашга муваффақ бўлинган.

Таҳлил ва натижалар

Кичик бизнесни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартларидан биридир. Айни вақтда, кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш улар фаолиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, дунё иқтисодчи олимлари томонидан турли даврларда кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган.

Хулоса ва таклифлар

Миллий валютанинг мувозанатлашган курсини аниқлаш ва уни белгиланган валюта йўлакчаси доирасида тебранишини таъминлаш кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш имконини беради. Шунингдек, кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш самарадорлигини ошириш хусусидаги таклифимизнинг амалиётга татбиқи уларни кредитлаш ҳажминини сезиларли даражада ошириш имконини беради.



1-расм – Кредит кафолати тизими. Манба: www.adb.org.

Ушбу муассасалар кичик бизнес субъектларига тижорат банкларидан кредит олишда

воситачилик вазифасини, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш, лойиҳанинг барча босқичларида тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Бунинг натижасида бизнес режани кўриб чиқиш муддати қисқариб, тадбиркорларнинг ортиқча харажатлари сезиларли камайишига олиб келади. Шунингдек, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шаклларида бири ва банк кредитларини кичик бизнесга жалб этишни оширишга имконият яратадиган кафолат бериш шакли ҳисобланади. Аксарият мамлакатларда анчадан бери муваффақиятли фаолият юритиб келаётган кафолат фондлари кичик ва ўрта корхоналарга кредит олиши учун таъминот тақдим этиб, банк ва бошқа кредит ресурсларидан фаол фойдаланишига шароит яратиб, келмоқда. Бу тажриба кичик бизнеснинг амалдаги субъектларини нафақат қўллаб-қувватламоқда, балки янги корхоналарнинг пайдо бўлишини рағбатлантирмоқда. Хусусан, АҚШда Кичик бизнес маъмуриятининг (SBA) кичик фирмалар кредитлари юзасидан кафолат бериш дастури мавжуд бўлиб, у кредит қайтарилиши кафолатлангани учун банклар кичик бизнес субъектларига кредит бериш шартларини сезиларли даражада енгиллаштиради. Шу йўл билан тадбиркорлар ўзларига зарур молиявий маблағларни қулай шартларда жалб қилади ва тижорат банклари учун кредитни қайтарилиш rischi сезиларли даражада камайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 9-бет.
2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2011. - №34-35 (482-483). - 5-7-б.
3. Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2017. – №1. – 30-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПҚ-2768-сонли “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 7 (767). – 85-модда.
5. Zarova, E. V., & Tursunov, B. O. (2019). Regional features of industrial production dynamics in the research of textile enterprises financial security in Uzbekistan. *Vlakna a textil*, 28(1), 108-115
6. Abdirahmonovich, A. T., Hakimov, Z., Tursunov, B., & Oqboyev, A. (2021). Evaluation of Competitiveness of Brands of Local Sewing and Knitting Enterprises. *Revista geintec-gestao inovacao e tecnologias*, 11(2), 716-739.